

FACTORS FOR THE DEVELOPMENT OF "MUSIC" EDUCATION IN PRIMARY
EDUCATION

Jabborova O.M.

Associate Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region, PhD.

Khojamkulov P.

Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent Region

ABSTRACT

The article analyzes the effective factors for the development of "Music" in primary education

Keywords: education, beginner, music, development, factor, necessity, skill.

**БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА “МУСИҚА” ЎҚУВ ФАНИ ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

Жабборова О.М.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти, PhD.

Хўжамқулов П.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

мақолада бошлангич таълимда “Мусиқа” ўқув фани таълимини ривожлантиришнинг самарали омиллари таҳлил этилганю

Калит сўз: таълим, бошлангич, мусиқа, ривожлантириш, омил, зарурият, кўнишка.

INTRODUCTION

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини мусиқа санъати воситасида муносиб тарбиялаш вазифаси қўйилган [1]. Жумладан, ўқувчиларнинг камидা иккита миллий чолғуда ижро кила олиш кўниmmasини шакллантириш вазифаси қўйилган бўлиб, унинг воситасида ўқувчиларда санъатга муҳаббат, халқимизнинг мусиқа маданиятига садоқат руҳини шакллантириш ҳамда уларнинг мусиқий-эстетик дидини замонавий талаблар асосида таркиб топтириш вазифалари белгиланган. Шу сабабли бошлангич таълимда “Мусиқа” ўқув фанини бугунги кун талаблари асосида ўқитиш ва мазкур таълим жараёнини ривожлантириш омилларини белгилаб олиш долзарб бўлиб турибди. Бу ўринда ана шу масаланинг таҳлилига эътиборингизни тортамиз.

Бошлангич таълимда “Мусиқа” ўқув фани бугунги кун талаблари асосида ишлаб чиқилган ўқув дастури ва дарслклари асосида ўқитилаётганини таъкидлаш жоиз [2]. Айни пайтда, бошлангич синф ўқувчиларини мазкур фан воситасида мусиқий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш омилларининг самарали шаклларини топиш вқа уларни амалиётга тадбиқ

этиш долзарб бўлиб турибди. Шу маънода бизнинг ёндашувимизга кўра, ана шундай омилларнинг энг муҳимлари қуидагилардан иборат:

1. *Дарсликларни такомиллаштириш.* Амалда қўлланилаётган бошланғич синф “Мусиқа” дарсликларини ҳозирги замон талаблари асосида ва “2022-2026 йилларда халқ таълимими ривожлантириш бўйича Миллий дастур” асосида такомиллаштириш долзарб бўлиб турибди. Бу борада қуидагиларга асосланиш кутилган самарани беришини таъкидлаб ўтиш жоиз:
 - дарсликларни болалар мусиқа санъати, яъни болалар мусиқаси, қўшиқлари ва рақсларининг янги турлари билан муентазам бойитибу бориш ҳамда улар асосида ўқувчиларнинг мусиқий-эстетик дидини кутилган даражада шакллантиришга эришиш;
 - дарсликларни миллий мусиқа санъатимиз намуналари асосида муентазам такомиллаштириб бориш, бунда бошланғич синф ўқувчиларини миллий мусиқа санъатимиз – мақомларимизнинг енгил ва ифор қуйларини тинглашга ўргатиши, улардан парчаларни ижро этишга кўниктириш ҳамда улар воситасида ўқувчиларда миллий рухни шакллантиришга эришиш;
 - дарсликларни жаҳон халқлари мусиқа санъатининг юксак намуналари асосида такомиллаштириб бориш, бунда жаҳон халқларининг энг машхур болалар мусиқалари, қўшиқлари ва рақслари билан ўқучиларни таништириш, уларни мазкур намуналарни ижро этиш кўникмасини таркиб топтириш.

Бундай ёндашув бошланғич синф “Мусиқа” ўкув фани дарсликларини муентазам равища ҳозирги замон эҳтиёжлари асосида янги ўкув материалларига таянган ҳолда такомиллаштириб бориш имконини беради. Бундай такомиллаштиришда бошланғич синф ўқувчиларини болалар мусиқа санъати, миллий мусиқа санъатимиз ва жаҳон халқлари мусиқа санъати оламига дастлабки босқичда олиб кириш имкониятларини беради. Чунки бошланғич синф ўқувчилари таълимнинг кейинги турли босқичларига тайёрланади ва бу ҳол уларнинг мусиқий-эстетик дидини миллий ҳамда умумисоний мусиқа санъатининг намуналари асосида шакллантиришни тақозо этади.

2. *Ўқувчиларнинг ижодкорлигини шакллантириш.* Юқорида таъкидланган Президент қарорида ҳар бир мактаб ўқувчисининг камида 2 мусиқа чолғусида қуй ижро эта олиш кўникмасини шакллантиришга эришиш вазифаси қўйилган. Бундан мақсад ўқувчиларнинг ижодкорлик лаёқатини ривожлантириш ва уларни мусиқа санъатининг юксак рухи асосида тарбиялашдан иборат. Шу маънода бу борада қуидагиларга амал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўқувчиларнинг миллий чолғуларга (Доира, Рубоб, Дутор, Ғижжак, Най кабиларга) бўлган қизиқишлигини аниқлаш ва уларнинг қизиқишига кўра чолғулар турлари бўйича ижрочилик кўникмасини шакллантириш;
- ўқувчиларни чолғулар турлари бўйича ижрочилик кўникмасини шакллантиришда турдош чолғуларда (доира + ногора, рубоб+дутор, ғижжак+камонча ва ҳ.к.) ижро этиш кўникмасини шакллантиришга эътибор бериш;
- ўқувчиларнинг қизиқишлиги ва мурожаатларига асосан уларни жаҳон халқларининг мусиқа чолғуларида (кларнет, гобой, пианино, саксофон ва ҳ.к.) ижро қилиш кўникмасини таркиб топтириш.

Эътибор берилса, буларга амал қилиш ўқувчиларнинг ижодкорлигни кутилган даражада шакллантириш имконини беради. Айни пайтда, бу ишлар “Мусиқа” ўқув фани машғулотлари жараёнида ва машғулотлардан ташқари машқлар воситасида амалга оширилади.

Бугунги кунда жамиятимизда “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича Миллий дастур” амалга оширилди. Мазкур Миллий дастурда ўқувчиларнинг мусиқий ижодкорлигини ва уларни мусиқа санъати асосида муносиб тарбиялаш вазифалари ҳам белгиланган. Шу жиҳатдан ушбу Миллий дастур асосида “Мусиқа” ўқув фани дарсликларини такомиллаштириш тақозо этилади ва бу ҳол дастур тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 134-сонли Қарорида алоҳида белгиланган. Шу сабабли бошланғич синф “Мусиқа” ўқув фани таълимини такомиллаштиришнинг ноанъанавий шаклларини белгилаб олиш ва улар асосида машғулотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада қуидагиларга амал қилиш кутилган самарани беришини таъкидлаш жоиз:

1. *Tўгараклар ташкил этиш.* Унга кўра, бошланғич таълим “Мусиқа” ўқув фани машғулотлари доирасида амалий тўгаракларни ташкил этиш кутилган самарани беради. Бундай тўгараклар ўқувчиларнинг бўш вақтлари ва ихтирий иштироқларига асосан ташкил этилади. Тўгараклар “Чолғу ижрочилиги”, “Қўшиқ ижрочилиги” ва “Рақс ижрочилиги” йўналишларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Унда ўқувчилар ўзларининг қизиқиши ва интилишларига асосан мусиқа санъати олами билан амалий танишади.
2. *Махсус машғулотлар ташкил этиш.* Унга кўра, мактаб имкониятларидан келиб чиқиб, худудларда фаолият кўрсатаётган санъаткорларнинг учрашувлари ва машғулотларини ташкил этиш самарали ҳисобланади. Бунинг учун туман (шаҳар) Маданият бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки Президентимизнинг юқорида таъкидланган Қарорида худудларда фаолият юритаётган санъаткорларни мактабларга бириктириб қўйиш вазифаси белгиланган. Шу жиҳатдан худудларда фаолият юритаётган санъаткорлар билан ҳамкорлик қилиш бошланғич таълим “Мусиқа” ўқув фани таълимини такомиллаштиришнинг энг муҳим ва амалий омилларидан бири ҳисобланади.
3. *Саёҳат машғулотлари.* Унга кўра, бошланғич синф ўқувчиларининг “Мусиқа” ўқув фани машғулотлари доирасида худудлардаги маданият ва санъат саройларига саёҳатлари уюштирилади. Бундай саёҳатлар давомида маданият ва санъат саройларида фаолият юритаётган санъаткорлар билан учрашувлар, мулоқотлар ва санъаткорларнинг маҳорат дарслари ташкил этилади. Масалан, Доира чолғуси санъаткори шу чолғу ижрочилигига қизиқадиган ўқувчиларга муҳим методик тавсиялар ва йўналтиришлар бериш имкониятларига эга. Шу сабабли худудлардаги “Болалар ижодиёти” марказлари билан ҳамкорликда бошланғич синф ўқувчиларининг маданият ва санъат саройларига саёҳатларини уюштириш воситасида уларнинг чолғу ижрочилиги кўникмасини тўғри йўналтириш ҳамда уларни кутилган даражада мусиқий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш имкониятларига эга бўлинади. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш бошланғич синфларда ўқувчиларни маънавий,

эстетик ва аҳлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг амалий самараларига эришиш учун асос бўлади.

Диққат қилинса, бошланғич таълим “Мусиқа” ўқув фани таълимини такомиллаштиришнинг бундай ноанъанавий шаклларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг натижасида ушбу ўқув фанининг олдига қўйилган давлат таълим стандартлари ва малака талабларини тўлиқ амалга оширишга эришилади.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш жараёнида барча соҳалар қаторида бошланғич таълим “Мусиқа” ўқув фани таълимини ривожлантиришнинг ўзига хос омиллари, шакллари ва амалиётига таянишни тақозо этмоқда. Шу сабабли 2022-2023 ўқув йили якунида битирувчи мусиқа ўқитувчиларининг камида 5 та чолғуда ижро эта олиш ва уни дипломда квалификация сифатида қайд этиш вазифаси қўйилган. Шу жиҳатдан келгусида бошланғич таълимда профессионал мусиқа ўқитувчилари фаолият олиб боради ва улар воситасида “Мусиқа” ўқув фани таълимини янада кучайтириш имкониятлари кенгаяди.

Бошланғич синф ўқувчиларини ҳар томонлама тарбиялаш, уларга билим бериш ва уларни таълимнинг кейинги турли босқичларига тайёрлашда “Мусиқа” ўқув фанининг ҳам аҳамияти катта. Шу сабабли бошланғич таълимда мазкур фанни ўқитишни такомиллаштиришнинг илмий-амалий ва методик имкониятларини кенгайтириб бориш тақозо этилади.

REFERENCES

1. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОЛАЛАР ПЕДАГОГИКАСИ МАЗМУНИ ВА УНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ЎҚИТИШ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 59-62.
2. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТИВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЎҚИТИШНИНГ ИНОВАЦИОН КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 142-145.
3. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 63-67.
4. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 68-71.
5. Мардонов, Ш. Қ., Жабборова, О. М (2021). ОЛИЙ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ИНОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАРИ. Academic research in educational sciences, CSPI conference 1, 119-121.
6. Жабборова, О. М. (2021). ЎҚИТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ФАНЛАРИНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(6), 1095-1099.
7. Жабборова, О. М. (2021). БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЭЛЕКТРОН-МОДУЛЛИ УСУЛЛАРИ. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES, 2(5), 1294-1299.

8. Жабборова, О., Таушулатова, Д. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларининг малака талаблари. *Ekonomika i sotsium*, 5(84).
9. Каримжонов, А., Жабборова, О. (2021). Ян Амос Коменскийнинг таълим-тарбияга оид қарашлари. *Ekonomika i sotsium*, 5(84).
10. Жабборова, О. М., Ахмедова, Н. Ш. (2021). Бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғоя асосида тарбиялаш омиллари. *Ekonomika i sotsium*, 4(83).
11. Jabborova, O. M. (2021). Systems for The Development of Primary Education in The Process of Higher Pedagogical Education. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(04), 449-453.
12. Jabborova, O. M., & Mardonov, Sh. Q. (2021). Ta'lim jarayoniga innovatsiyalarni tatbiq qilishning tashkiliy-pedagogik jihatlari. *Xalq ta'limi jurnali*, 2.
13. Жабборова, О. М. (2021). Мураккаб шароитларда бўлажак тасвирий санъят ўқитувчиларини касбий тайёрлаш. *Ekonomika i sotsium*, 4(83).
14. Жабборова, О. М. (2021). Бошланғич таълимда интеграциялаш масалалари. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 702-706.
15. Жабборова, О. М., Бахтиёрова, С. Э. (2021). Бошланғич таълим йўналишида хорижий тилларни ўқитишнинг янгича ёндашувлар тизими. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 1040-1045.
16. Жабборова, О. М., Таушулатова, Д. М. (2021). Ўзбекистон янги мафкурасининг педагогик талқини. *Academic research in educational sciences*, 2(3), 584-589.
17. Жабборова, О. М., Таушулатова, Д. М. (2021). Бошланғич синф ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар. *Academic research in educational sciences*, 2(2).
18. Жабборова, О. М., Чимпулатова, Ч. Д. (2021). Бошланғич таълимда Тарбия фанининг кластер усулида ўқитилиши. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
19. Жабборова, О. М., Умарова, З. А. (2021). “Тарбия” фанини кластер усулида ўқитишда педагогик конфликтларни бартараф этиш. *Academic research in educational sciences*, 2(1).
20. Jabborova, O.M., Umarova, Z. A. (2021). Pedagogical conflicts in primary school students-as an important social-pedagogical problem. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 516-523.